

Бу ўлка олимлари олдида бутун Ислом олами қарздордир...



14:40 / 22.04.2019 7027

Шайх, муфтий Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизаҳуллоҳ:

«Араблар арабликлари билан фахрланишади, чунки Қуръони карим уларнинг тилида нозил қилинди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам шу тилда сўзлашдилар, шу қавмдан эдилар. Улар бу ифтихорга ҳақлидирлар. Бироқ, улар ана ўша мартабалари билан Мовароуннаҳр уламолари олдида бош эгадилар, уларнинг номларини эшитганда таъзим бажо келтирадилар. Бу юрт уламолари Исломга шундай катта хизматларни қилганларки, уларнинг пойлари арабу ажамнинг бўйни узрадир. Ислом оламида бирор аҳли илм, олим йўқки, ушбу юрт даҳоларининг китобини ўқимаган бўлса. «Саҳиҳи Бухорий» ёки «Саҳиҳи Термизий»ни ўқимасдан олим бўлиш мумкинми? Абу Мансур Мотуридий, Абу Муъин Насафийнинг

асарларини ўқимай туриб ақидани ўрганиш мумкинми? Марғилонийнинг китобини ўқимаган фақиҳ борми?

Бу ўлка олимлари олдида бутун Ислом олами қарздордир...

Юртингиз жуда оғир имтиҳонларни бошдан кечирди. Коммунистик тузум олимларни қатағон қилди, масжиду мадрасалар вайрон этилди. Аммо мухлис олимлар сабабли халқ динини сақлаб қолди. Сизлар динини асраш борасида бутун олам аҳлига энг гўзал намунаси. Бизларда бундай ҳолатлар бўлмаган. Биз аجدодлардан динни жуда эмин эркинликда, ҳатто танамизга битта тикон кирмасдан қабул қилиб олганмиз. Аммо сизларда олимлар беркиниб, ертўлаларга яшириниб юриб динни сизларга етказиб кетди.

Бугун сиз толибларнинг замонангиз ундай оғир эмас. Сизлар улуғ аждодларингиз йўлидан бориб, илму тақвода жидду жаҳд қилинглари!»

(Шайх Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизахуллоҳнинг Тошкент сафари суҳбатларидан)